

## COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЧАСТОТАСИ ВА МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ



Тураев Бобир Темирпулатович, Очиллов Улугбек Усмонович, Абдуразакова Робия Шералиевна, Тураев Толиб Махмуджонович  
Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

## ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА ЧАСТОТУ И КОЛИЧЕСТВО УПОТРЕБЛЕНИЯ АЛКОГОЛЯ

Тураев Бобир Темирпулатович, Очиллов Улугбек Усмонович, Абдуразакова Робия Шералиевна, Тураев Толиб Махмуджонович  
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

## THE EFFECT OF THE COVID-19 PANDEMIC ON THE FREQUENCY AND AMOUNT OF ALCOHOL CONSUMPTION

Turaev Bobir Temirpulatovich, Ochilov Ulugbek Usmonovich, Abdurazakova Robiya Sheralievna, Turaev Tolib Mahmudjonovich  
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [bobir.turaev.89@mail.ru](mailto:bobir.turaev.89@mail.ru)

---

**Резюме.** COVID-19 пандемияси хавотир, депрессия, уйқу бузилиши, спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш ва руҳий саломатликга таъсир ҳақида датлабги малумотлар мавжуд. Пандемия шароитида спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш боғлиқ бўлган заъироддий шароитлар туфайли юзага келган қийинчиликларни енгиш учун ишлатилиши мумкин. Спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш ва кайфият ёки хавотир ўртасидаги коморбидлик ўз-ўзини даволаш билан изоҳланади. Тадқиқот мақсади: спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилишга COVID-19 пандемиясининг таъсирини ўрганиш. Тадқиқот текшириши усули: Спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш частотаси ва миқдори бузилишини аниқлаш сўровномаси (Alcohol Use Disorders Identification Test, AUDIT) орқали баҳоланди. Хулоса: Алкоголизм билан касалланган беморларда спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш миқдорининг ортишига асосий сабаб оилада ёш болаларнинг мавжудлиги, уйда қолишга мажбурлилик ва уйда ишлаш, даромат манбаини йўқотиш.

**Калит сўзлар:** COVID-19 пандемияси, хавотир, депрессия, алкоголизм.

**Abstract.** There are preliminary data on the effects of the COVID-19 pandemic on anxiety, depression, sleep disorders, alcohol consumption, and mental health. In a pandemic, alcohol consumption can be used to overcome the difficulties caused by the associated abnormal conditions. The comorbidity between alcohol consumption and mood or anxiety is explained by self-medication. The aim of the study: to study the impact of the COVID-19 pandemic on alcohol consumption. Research Method: The frequency and amount of alcohol consumption was assessed using the Alcohol Use Disorders Identification Test (AUDIT). Conclusion: The main reason for the increase in alcohol consumption in patients with alcoholism is the presence of young children in the family, the need to stay at home and work at home, the loss of income.

**Key words:** COVID-19 pandemic, anxiety, depression, alcoholism.

---

**Долзарблиги.** COVID-19 пандемияси пайтида уйда қолиш аҳоли орасида руҳий саломатлик ва психоактив моддаларни истеъмоЛ қилиш хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиши мумкин. COVID-19 пандемиясининг спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилишни чеклаш бўйича олиб борилган дастлабки тадқиқотлар шуни кўрсатадики, пандемия даврида спиртли ичимликлар суиистеъмолида ўзгаришлар юз берган, аммо бу ис-

теъмоЛнинг умумий ўсишига олиб келмаган [2, 4]. Хавотир, депрессия, уйқу бузилиши, спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш ва руҳий фаровонлик одатдагидан пастроқ бўлганлиги таъкидланган [1, 5, 9]. Физиологик стрессдаги ўзгаришлар туфайли спиртли ичимликларни истеъмоЛ қилиш хавфи ошади [3, 7].

Пандемия билан боғлиқ кенг кўламли шароитлар ёки руҳий саломатлик заифликлари

спиртли ичимликларни истеъмол қилишдаги ўзгаришларга таъсир қилиши мумкин, айниқса психоактив моддалар пандемия билан боғлиқ бўлган ғайриоддий шароитлар туфайли юзага келган қийинчиликларни енгиш учун ишлатилиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва кайфият ёки хавотир ўртасидаги коморбидлик тез-тез ўз-ўзини даволаш билан изоҳланади [6, 8]. Пандемия шароитида аҳоли яшаш шароитлари ва психологик шароитларга қараб турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

COVID-19 пандемияси боғлиқ стресс омилларини, депрессия, хавотир, психоактив моддаларни истеъмол қилишни назорат қилиш муҳимлигини кўрсатди


**Тадқиқот мақсади.** Спиртли ичимликларни истеъмол қилишга COVID-19 пандемиясининг таъсирини ўрганиш

**Тадқиқот текшириш усуллари.** Тадқиқот Самарқанд вилоят наркологиya диспансери ва Самарқанд шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси базасида 120 нафар иштирокчида сўровнома асосида 2020-2021 йиллар давомида COVID-19 пандемияси давридан сўнг анамнезтик малумотларга асосан ўтказилди. Текширилувчилар икки гуруҳга бўлиниб ўрганилди. Асосий гуруҳга Самарқанд вилоят наркологиya диспансери (KXT-10) F10.2 алкоголизм 2-босқич ташхиси билан даволанган ва даволаниб келаётган 70 нафар беморлар танлаб олинди. Назорат гуруҳига анамнездан байрамларда ва туй маросимларида алкогольли махсулотлар истеъмол қилувчи (эпизотик) 50 нафар шахслар танлаб олинди.

Иштирокчиларнинг ёши 24 ёшдан 52 ёшгача бўлган ўртача ёши  $33,67 \pm 5,35$  ёш. Тадқиқот усулларида ижтимоий-демографик (оилавий аҳволи), карантин пайтида касбий вазият (уйда ишлаш, одатий иш жойи ва ишсиз) ва молиявий даромадни йўқотиш. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш частотаси ва миқдори бузилишини аниқлаш сўровномаси (Alcohol Use Disorders Identification Test, AUDIT) орқали баҳоланди.

**Тадқиқот натижалари.** Карантин пайтида касбий вазият (уйда ишлаш ва ишсизлик) текширилганда гуруҳларда қуйдаги кўрсаткичлар намоён бўлди. Асосий гуруҳда 20% текширилувчилар уйда ишлашга мажбур бўлишди. 20% одатий иш тартиби ўзгаришсиз қолди (булар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчилар). 60% беморлар ишдан ёки даромаат манбаидан ажралганини билдиришди. Назорат гуруҳидагилар текширилганда қуйдаги ўзгаришлар аниқланди. 40% уйда ишлашга мажбур, 30% одатий иш тартиби, 30% ишдан ёки даромаат манбаидан ажралган. Асосий гуруҳ текширилувчиларининг 10% ҳаёти давомида оила қурмаган, 20% оиласи билан ажрашган ёки бирга яшамайди, 70% оилали. Назорат гуруҳида 10% оила қурмаган, 5% ажрашишган, 85% оилали.

Асосий гуруҳда 30% да ичиш миқдори ўзгармаган лекин частотаси ўзгарган, 60% да миқдор ва частота параллел равишда ортган, 10% камайган (сабаб уларда молиявий қийинчилик). Ичиш частотасига кўра асосий гуруҳда 30% ҳафтада камида 2-4 марта, 40% да деярли ҳар кун, 30% ҳар кун.



**Расм 1.** COVID-19 пандемиясининг спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг миқдор ва частотасига таъсири

Фойдаланиш усули ўрганилганда 10% ўз шериги билан, 60% ёлғиз ва 30% очик ҳавода дўстлари билан (карантин қоидаларини бузиб) спиртли ичимликлар истеъмол қилган (расм 1). Назорат гуруҳида 50% ичиш миқдори ўзгармаган лекин частотаси ўзгарган, 30% ортган, 20% камайган. Ичиш частотасига кўра 32% ҳеч қачон спиртли ичимликларни истеъмол қилмаган, 30% ҳафтасига бир марта, 32% 2-4 марта ҳафтасига, 6% деярли ҳар куни ва ҳар куни спиртли ичимликларни истеъмол қилувчилар аниқланмади. Фойдаланиш усули ўрганилганда 20% ўз шериги билан, 30% дўстлари билан онлайн, 40% ёлғиз ва 10% очик ҳавода дўстлари билан спиртли ичимликлар истеъмол қилган.

Асосий гуруҳда карантин пайтида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш кўпайган деб ҳисоблаганлардан, 50% спиртли ичимликларни дам олиш учун, 40% аввалгидан кўра кўпроқ вақтлари бўлгани учун, 10% эса дўстлари билан вақт ўтказиш учун ичишганини тушунтирди. Назорат гуруҳида 48% аввалгидан кўра кўпроқ вақтлари бўлгани учун, 30% зеркиш, 21% пандемиядан хавотирга тушганлиги.

Карантин пайтида уйда ишлайдиган шахслар спиртли ичимликларни истеъмол қилишни кўпайишига сабаб бўлди деб ҳисобловчилар, асосий гуруҳда 80% ва назорат гуруҳида 60% ни ташкил этди.

Пандемия даврида уйда 18 ёшгача бўлаган фарзандларнинг бўлиши спиртли ичимликларни истеъмол қилишни кўпайишига иккала гуруҳда мос равишда 60% ва 50% кўпайганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Пандемия даврида кузатилган ижтимоий-иктисодий қийинчиликлар ва ўзгаришлар спиртли ичимликларни истеъмол қилиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатди. Алкоголизм билан касалланган беморларда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш миқдорининг ортишига асосий сабаб оилада ёш болаларнинг мавжудлиги, уйда қолишга мажбурлилик ва уйда ишлаш, даромат манбаини йўқотиш. Эпизотик спиртли ичимликларни истеъмол қилувчиларда иш тартибининг ўзгариши, хавотир, яни уйда ишлаш ва зеркиш асосий сабаби сифатида аниқланди.

#### Адабиётлар:

1. Galea S., Merchant R. M., Lurie N. The mental health consequences of COVID-19 and physical distancing: the need for prevention and early intervention //JAMA internal medicine. – 2020. – Т. 180. – №. 6. – С. 817-818.
2. Schmits, Emilie, and Fabienne Glowacz. "Changes in alcohol use during the COVID-19 pandemic: impact of the lockdown conditions and mental health

factors." International journal of mental health and addiction (2021): 1-12.

3. Очилов У. У., Тураев Б. Т. и др. Клинические особенности психопатического поведения у подростков с психическими расстройствами //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 23-3 (101). – С. 71-74.
4. Очилов У. У., Тураев Б. Т., Хушвактова Д. Х. Распространенность когнитивных нарушений у пациентов с алкоголизмом //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 17-2 (95). – С. 104-106.
5. Ризаев Ж.А., Ризаев Э.А., Кубаев А.С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 // Здоровье, демография, экология финноугорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
6. Ризаев Ж.А., Ахророва М. Особенности поражения полости рта при инфекции Sars-Cov-2 // Stomatologiya, 2021, стр. 59-63.
7. Тураев Б. Т. и др. Диагностика и лечение коморбидности алкоголизма и депрессивных расстройств //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 4-2 (107). – С. 26-30.
8. Тураев Б. Т., Хаятов Р. Б. Особенности электроэнцефалографических показателей у больных алкогольной зависимостью //Актуальные проблемы психиатрии и наркологии в современных условиях. – 2019. – С. 150-151.
9. Тураев Б. Т., Хаятов Р. Б. Преморбидные особенности личности и суицидальное поведение больных алкоголизмом позднего возраста //Актуальные проблемы психиатрии и наркологии в современных условиях. – 2019. – С. 151-153.

#### ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА ЧАСТОТУ И КОЛИЧЕСТВО УПОТРЕБЛЕНИЯ АЛКОГОЛЯ

Тураев Б.Т., Очилов У.У., Абдуразакова Р.Ш.,  
Тураев Т.М.

**Резюме.** Имеются предварительные данные о влиянии пандемии COVID-19 на тревожность, депрессию, нарушения сна, потребление алкоголя и психическое здоровье. В условиях пандемии потребление алкоголя может быть использовано для преодоления трудностей, вызванных сопутствующими аномальными состояниями. Коморбидность между употреблением алкоголя и настроением или тревогой объясняется самолечением. Цель исследования: изучить влияние пандемии COVID-19 на потребление алкоголя. Метод исследования. Частота и количество употребления алкоголя оценивались с помощью теста на выявление расстройств, связанных с употреблением алкоголя (AUDIT). Заключение: основной причиной увеличения потребления алкоголя больными алкоголизмом является наличие в семье малолетних детей, необходимость сидеть дома и работать на дому, потеря дохода.

**Ключевые слова:** пандемия COVID-19, тревога, депрессия, алкоголизм.